

2/2022,  
mart-aprel  
(№ 00058)



## **COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНФРАТУЗИЛМАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

**Эрматов Акмалжон Адхамович**

*Андижон машинасозлиқ институти доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди. Ўзбекистон.*

**Қосимов Сардор Дилмуродович**

*Андижон машинасозлик институти стажер-тадқиқотчиси.*

*Ўзбекистон. [skosimov@mail.ru](mailto:skosimov@mail.ru)*

**Article DOI: 10.55439/EIT/vol10\_iss2/a17**

### **Аннотация**

Covid 19 пандемияси жаҳон мамлакатлар иқтисодиёти, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига ўзининг мислсиз салбий таъсирини кўрсатди, хусусан жаҳонда иқтисодиётнинг саноат ва бизнес сектори айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғи энг кўп зарар кўрган тармоқ эканлиги таъкидланмоқда. Шунга қарамай пандемия даврида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имкони борича сақлаб қолиш, уларни инқирозли даврдан минимал зарар билан чиқишлари учун бир қанча энгилликлар ва имтиёзлар берилди. Мазкур мақолада пандемия даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи инфратузилмаларнинг асосий йўналишлари ва шу йиллардаги амалга оширилган ишларни Андижон вилояти мисолида тизимли таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, инфратузилмалар, пандемия.

### **Аннотация**

Пандемия Covid-19 оказала беспрецедентное влияние на экономику, социальную и политическую жизнь мира, в частности, больше всего пострадали промышленный и деловой секторы мира, особенно малый бизнес и частное предпринимательство. Тем не менее, во время пандемии в нашей стране был предоставлен ряд льгот и привилегий, чтобы максимально сохранить малый бизнес и частное предпринимательство, помочь им выйти из кризиса с минимальными потерями. В данной статье приводится системный анализ основных направлений инфраструктуры, способствующих развитию малого бизнеса и частного предпринимательства в период пандемии, а также проделанной за годы работы на примере Андижанской области.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частное предпринимательство, инфраструктура, пандемия.

### **Abstract**

The Covid-19 pandemic has had an unprecedented impact on the economy, social and political life of the world, in particular, the industrial and business sectors of the world, especially small businesses and private entrepreneurship, have been most affected. Nevertheless, during the

pandemic, a number of benefits and privileges were provided in our country in order to preserve small businesses and private entrepreneurship as much as possible, to help them get out of the crisis with minimal losses. This article provides a systematic analysis of the main areas of infrastructure that contribute to the development of small businesses and private entrepreneurship during the pandemic, as well as the work done over the years on the example of the Andijan region..

**Keywords:** small business and private entrepreneurship, infrastructure, pandemic years.

## **Кириш**

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини ва аҳоли бандлигини таъминловчи асосий бўғин бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўғинидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, пандемия даврида бу қўллаб-қувватлов ва тадбиркорлик субъектларига бўлган алоҳида эътибор аввало миллий иқтисодиётимизни кучайтишига, тадбиркорларимизни кўпайтишига, шу билан бирга миллий ғазнаимизни ошишига, янги иш ўринларини очилишига катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётимизда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятимизнинг иқтисодий негизи бозор иқтисодиётига асосланган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда давлатимиз ғазнасини кўпайтириш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишига сармоялар ажратиш бормоқда ва бу кундан кунга амалда фойда келтирмоқда, буларга давлатимиз томонидан ажратилаётган субсидиялар, имтиёзлар, солиқ имтиёзлари, бундан ташқари тадбиркорликни ривожлантиришга бевосита таъсир қилувчи инфратузилмаларни электронлаштиришни мисол келтиришимиз мумкин. Хусусан пандемия даврида президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш учун жуда кўплаб чора тадбирлар амалга оширилди. Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан бир йўли – кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш, деган эди давлатимиз раҳбари. Давлатимиз раҳбарининг 8 июль 2020 йилдаги маърузасида 69 мингта тадбиркорнинг фаолиятини жонлантириш кераклиги, жойлардаги раҳбарлар 9 ой якуни бўйича уларнинг камида 70 фоизини, йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишлашига масъул ва жавобгарлиги белгиланди, 2020 йил рўйхатдан ўтган, янги, лекин фаолият кўрсатмаётган бизнес субъектларини 23 мингтаси(24%) билан очиқ мулоқот олиб бориш йўли билан уларни ишга тушириш белгиланди. Шунингдек, маърузада 1 июлдан бошлаб, илк маротаба, тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали 2020 йилнинг биргина учинчи чорагида тадбиркорларга 700 миллиард сўмни айланма маблағ сифатида ўзида қолдириш имконияти яратилди[1]. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган муҳит-инфратузилма муҳити ҳисобланади.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Соҳа олимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи ва туртки берувчи инфратузилмалар бўйича турлича тариф бериб ўтишган. Хусусан АҚШ иқтисод фанлари фалсафа доктори Phd профессор Женнифер Л. Вуллей таҳлил қилишича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатга нафақат

иқтисодий балки ижтимоий таъсир кўрсатади, бундан факатгина давлат эмас балки жамият ҳам манфаатдор деб келтириб ўтади. Бундан ташқари Женнифер Л. Вуллей давлат ва хусусий ташкилотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишни инфратузилмалар орқали барқарорлаштиришни ўрганиш, таҳлил қилиш доимий тадқиқотлар олиб бориш ва амалда қўллаш бўйича катта қизиқишларга сабаб бўлишини иқтисодий ифодалаган.[2]

Россиялик олим иқтисод фанлари номзоди М.Е.Косов инфратузилмаларни кичик бизнесга ёрдам бериш мақсади бўлган ташкилотлар деб санаб ўтади ҳамда инфратузилма муаммоларини ўрганишнинг иккита асосий ёндашувларини келтиради:

а) ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш нуқтаи назаридан инфратузилмани таҳлил қилишни ўз ичига олади .

б) иқтисодий амалиёт нуқтаи назаридан давлатнинг родини ошириш зарурати инфратузилмани ривожлантиришни тартибга солиш.[3]

Россиялик олимлар Алтынникова Л.А., Голайдо И.М., Кузнецова И.В ларнинг фикрича инфратузилмалар самарадорлигини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инфратузилмалар билан тескари алоқа йўналишларини ишлаб чиқишдир.[4]

Айтиб ўтиш керакки бу йўналишда тадқиқот олиб борган олимларимиз соҳани атрофлича ўрганишган, мисол учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида чиқарилган ўқув қўлланмада кичик бизнесда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарурий ташкилий инфратузилма ташкил этиш, босқичма босқич бозор иқтисодиётига ўтишда бозор инфратузилмасини яратиш, миллий инфратузилмани сақлаб қолиш маълумотлари келтирилган. [5, 37-123]

Олимларимиз Б.Ю. Ходиев, М.С. Косимова, А.Н. Самадов[6], Р.Ходжаев, А.Эгамбердиев[7] Г.Н.Останақулова[8], М.Р. Болтабоев [9]лар кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантирувчи бозор инфратузилмалар бўйича асосий маълумотларни ёритишган. Бунда инфратузилма асосий бўғинлари бўлган банкларни роли, солиқ ва солиққа тортиш сиёсати, имтиёзлар берилганлиги, аудиторлик хизматлари ўтказиш ҳамда ахборот билан таъминлаш вазифалари тўғрисида маълумотлар берилган.

Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг ривожлантиришда инфратузилмалар муҳитини бизнес субъектларига мослаштириб бориш, уларни ривожлантиришни доимий тарзда қўллаб қувватлаш бу соҳада доимий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мақолада муаллифлар томонидан бир қатор илмий методлар, хусусан, тизимли таҳлил, таққослаш ва муҳокама каби методлардан фойдаланилган. Яқунда тўлдирувчанлик тамойили асосида методологик ёндашув ёрдамида хулоса ва таклифлар баён этилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни янги босқичига олиб чиқиш, тадбиркорлар учун янги имкониятларни очиш ва бу тизимдаги ўзгаришлар асосини ва жадал суръатларда ривожланиш тенденциясиларига туртки берувчи инфратузилмаларнинг салоҳиятини ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Ташкилий ривожланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, пандемия даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муаммоларини хал қилиш шарти давлат, вилоят

ва ҳудуд миқёсидаги инфратузилмаларни бир тизимда, синхрон тарзда ишлашига қаратилган. Яна алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, Андижон вилоятида инфратузилма самарадорлигини оширишда Андижон вилояти ҳокимлигини ўрни ва роли жуда катта. Айниқса ҳозирда Андижон вилоятида аҳоли зич жойлашганлиги шароитида бу иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий - иқтисодий кайфиятини ошириш жуда муҳим. Асосий олий мақсадга эришиш учун устувор манфаатларни тизимлашлаштириш ва келишувлар олиб бориш керак. Бунда пировард мақсад давлатимизнинг бюджетини кўпайтириш ва шу орқали вилоятимиз халқини иш билан таъминлашга эътибор қаратишимиз лозим. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, энг катта ижобий ютуқ сифатида кўрсатиш мумкинки, тадбиркорларда ишлаётган ходимлар бюджетдан эмас, балки тадбиркордан иш хақи оладилар.

Андижон вилояти учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жуда муҳим. Сабаби, давлатимизнинг асосий саноат-индустрия вилоятларидан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг асосий ишлаб-чиқариш ресурслари шу ерда: машинасозлик заводи ва шу йўналишда очилган шу каби катта корхоналар жуда кўп. Шу билан бирга кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиб бормоқда, рақамларга назар ташласек 2019 йилда кичик тадбиркорликда фаолият юритаётган корхоналар сони 25807 тани ташкил қилган бўлса, шу йилни ўзида 6632 та янги кичик корхоналар ташкил этилган, 2020 йилда 31683 та фаолият юритаётган ва янги қўшилган 7684 кичик тадбиркорлар кўпайганини кўриш мумкин. Қуйидаги жадвал орқали уларни қайси секторлардалигини кўрсатиб ўтилади(1- жадвал).

**1-жадвал**

**Андижон вилоятида 2019 ва 2020 йиллардаги кичик тадбиркорликни асосий кўрсаткичлари[10].**

|  | <b>Ўлчов бирлиги</b> | <b>2019</b> | <b>2020</b> | <b>Фарқи (+;-)</b>         |
|--|----------------------|-------------|-------------|----------------------------|
| Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони | бирликда             | 25807       | 31683       | 5876<br>22% га<br>кўпайган |
| Янги ташкил этилган кичик ва микрофирмалар сони        | бирликда             | 6632        | 7684        | 1052<br>15%<br>кўпайган    |
| <b>Кичик тадбиркорликнинг улушлари:</b>                |                      |             |             |                            |
| ЯХМ  | %                    | 69.0        | 68.9        | -0.1                       |
| Саноат   | %                    | 18.0        | 20.0        | 2.0                        |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги                   | %                    | 99.1        | 97.9        | -1,2                       |
| Инвестиция   | %                    | 61,7        | 63,5        | 1,8                        |
| Қурилиш  | %                    | 94,9        | 93,4        | -1,5                       |
| Чакана савдо   | %                    | 86,8        | 88,4        | 1,6                        |
| Хизматлар  | %                    | 69,0        | 67,0        | -2,0                       |
| Юк ташиш   | %                    | 94,8        | 95,6        | 0,8                        |
| Юк айланмаси   | %                    | 69,0        | 68,3        | -0,7                       |
| Йўловчи ташиш  | %                    | 95,8        | 97,9        | 2,1                        |
| Йўловчи айланмаси                                      | %                    | 95,9        | 97,2        | 1,3                        |
| Экспорт  | %                    | 58,9        | 44,6        | -14,3                      |
| Импорт   | %                    | 15,2        | 12,9        | -2,3                       |

Жадвалдан кўриш мумкинки, 2 йиллик ривожланишда фаолият юритиб турган тадбиркорларнинг улуши 22% га, янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари улуши 15% га кўпайган.

Албатта Андижон вилояти ЯХМ даги улушини пандемия даврида айтиб ўтмоқ керак, сабаби охириги 3 йилда улуш камайиб борди. Бу монопол ва катта корхоналарнинг ривожланиш стратегиясини кучайиб бориши таъсирида пасайган, лекин бу борада ҳам кичик бизнесни улушини кўпайтириш учун кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди (1-расм).




**1-расм Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўлуши ЯХМда [10].**

Инфратузилмалар салоҳиятини ошириш айниқса пандемия шароитида жуда керак бўлди. Чунки пандемия биринчи бўлиб, кичик бизнесга зарар келтира бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка инфратузилмаларнинг таъсири ва самарадорлигини баҳолашда бизнес учун яратилган шарт-шароитларни йўналишлар бўйича таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шарт шароитлар (2-расм).




**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкилий қисмлари.**

Бундан ташқари Андижон вилоятида инфратузилмаларни самарадорлигини аниқлашда пандемия даврида 1 та инфратузилма объекти нечта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатаётганлиги таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Андижон вилоятидаги бир дона инфратузилмани хар бир ҳудуд бўйича нечта кичик бизнес субъектига тўғри келаётганлиги. 2020 йил[11].

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, Мархамат тумани(165,4), Улуғнор тумани(162,5), Балиқчи тумани(134,5) да кичик бизнес субъекти 1 дона инфратузилма объектига тўғри келди ҳамда бу туманларда инфратузилма объектларини кўпайтириш зарур. Албатта юқоридаги кўрсаткичлар асосида инфратузилманинг самарадорлигини тўлиқ баҳолаб бўлмайди. Сабаби маълумки, инфратузилма объектларининг умумий сони ўзгарганда, унинг таркибидаги ташкилотлар улуши бир хилда ўзгармайди. Буни қуйидаги расмда ифодалаб кўрамиз(4-расм).



5-расм. Андижон вилоятида кичик бизнес инфратузилмаси тизимининг таркиби (% ҳисобда, тижорат банкларини ҳисобга олмаган ҳолатда)[10]

4-расмда суғурта агентликлари, ўқитув тузилмалари, бизнес инкубаторлар, брокерлик идоралари, транспорт логистика инфратузилмаларида улуши оз бўлса ҳам пандемия даврида ижобий томонга ўзгаришлар ифодаланди.

Пандемия даврида кичик бизнесни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қўйидаги муайян имтиёзлар ва эркинликлар берилди:

- Давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларда - камроқ бюрократия: Жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахсларни қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда энди талаб этилмайди. Унинг ўрнига хабар бериш тартиби жорий этилди[14].

- Яқка тартибдаги тадбиркорларга :

1) Уларга солиқ органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга ошириш белгилаб қўйилди.

2) Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада эгасининг фотосурати акс эттирилади[14].

- Оилавий корхоналарга солиқ имтиёзлари берилди: Энди улар агар ўзини ўзи банд қилганлари учун назарда тутилган фаолият билан шуғулланса ёки иштирокчилар сони 3 нафар бўлса, солиқни белгиланган миқдоридан 50% га камайтирилган ставкада тўлаш имтиёзи берилди[14].

- Ишларда “Бизнес навигатор” ёрдам беради: Бу тизим тадбиркорлик фаолиятини тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш, кредит олиш учун зарур бўлган бизнес - режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш, тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш имкониятлари берилди[14].

- Туманларда тадбиркорликни ривожлантириш агентликлари очилди: бу инфратузилма тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектларни рўйхатдан ўтказиш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратишга кўмаклашади[15].

- “Солиқ идораси - тадбиркорга кўмакчи”: Солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича чоралар кўрилиши натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 2019 йилда 12 трилион сўм, 2020 йилда эса 11 трилион сўм маблағ қолдирилди[16].

- Адлия вазирлиги томонидан республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича “Business Indicator” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ишга тушурилди[17].

### **Хулоса ва таклифлар**

Олиб борилган тадқиқотларимиздан шуни айтишимиз мумкинки, пандемия даврида 69 мингта тадбиркорни фаолиятини жонлантириш бўйича турли хил ижобий, пировард мақсадни бажариш учун катта туртки берувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик инфратузилмаларини салоҳиятини ошириш чора тадбирлари, конун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Буни қийин пандемия давридаги кўрсаткичлардан кўриб олиш мумкин. Чора-тадбирларни ифодаси сифатида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини сонини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари аҳолининг бандлиги янги иш ўринларини яратиш кўрсаткичларида бу намоён бўлган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек тадбиркорларимиз учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш керак. Бизнеснинг фикримизча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш зарур. Чунки буни Business Indicator”

автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ҳам кўрсатиб турибди. Пандемия даврида Андижон вилояти 12-чи ўринни эгаллаб турибди.

Бизнинг фикримизча пандемия даврини оқибатларини тезроқ юмшатиш учун қўйидаги инфратузилма самарадорлиги ва ривожланиш стратегиясини бажаришимиз керак:

Биринчидан, аввало кичик бизнес субъектларини ўқитишимиз керак, Тадбиркорларимизнинг саводхонлигини оширишимиз керак. Бизнес инкубаторлар, ўқув марказлари инфратузилмалари ёрдамида бепул онлайн вебинарлар ташкил қилишимиз керак. Дунё бестселлерида Роберт Кийосаки айтганидек, бизнес бошлаш учун тадбиркорда молиявий билимлар биринчи ўринда бўлиши жуда зарур[18].

Иккинчидан, тадбиркорларимиз учун тадбиркорлик ривожланиш муҳити учун яратилган инфратузилмаларни тезкор рақамлаштирилган feedback тизимларини ташкил қилишимиз керак.

Учинчидан, инфратузилма хизматларини шаффофлик даражасини оширувчи баҳолаш онлайн плаформаларни кўпайтириш лозим. Инфратузилмаларни шу асосда баҳолаб бориш керак.

Тўртинчидан, Тадбиркорларимиз учун керак бўлган тезкор кредитнинг янги тизимлари краудлендинг, краудфандинг ва краудинвестинг платформаларини ишга тушуриш зарур. Бунга мисол қилиб маълум вақтда келганда тадбиркорга канчадир тезкор пул маблағи керак бўлиб қолади ва банкдан олиш учун кутиш ва ҳужжатлар кетма кетлиги талаб қилинади, айниқса юқоридаги платформалар қишлоқ ҳўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорларимизга катта ёрдам вазифасини бажаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши “Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш” 8 июль 2020 йил.

[https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/tumanlarda\\_tadbirkorlikni\\_rivojlantirish\\_a\\_gentligining\\_bulinmalari\\_ochiladi](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/tumanlarda_tadbirkorlikni_rivojlantirish_a_gentligining_bulinmalari_ochiladi)

2. Woolley, J.L. "Infrastructure for Entrepreneurship." *Oxford Research Encyclopedia: Business and Management* 2017.

<https://oxfordre.com/view/10.1093/acrefore/9780190224851.001.0001/acrefore-9780190224851-e-33>

3. КосовМ.Е. "Формирование инфраструктуры малого предпринимательства как необходимое условие его развития" // *Национальные интересы: приоритеты и безопасность*. 2009. Т. 5. No 4 (37). С. 67–71.Я

4. Алтынникова Л.А., Голайдо И.М., Кузнецова И.В. "Формирование инфраструктуры малого бизнеса" //

[http://www.rusnauka.com/10\\_NPE\\_2008/Economics/29998.doc.htm](http://www.rusnauka.com/10_NPE_2008/Economics/29998.doc.htm)

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги С. Ғуломов умумий таҳрири остида “Кичик бизнес ва хўсўсий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Т., “ Fan va texnologiya” нашриёти, 2005 й., 444 б.



6. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.
7. Ходжаев Р.С., А.Эгамбердиев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. ТМИ. Ўқув қўлланма. Т.: “IQTISOD - MOLIYA”, 2008.
8. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Молия-иқтисод, 2008.
9. М.Р. Болтабоев, М.С.Қосимова Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: NOSHIR, 2011.
10. Андижон вилояти статистика бошқармаси 2019-2020 пресс релизлари <https://andstat.uz/uz/>
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик 2017-2020 статистик тўплам. Тошкент 2021 йил.
12. Зимин В. А. Малое предпринимательство в регионе: состояние и перспективы. Самара, 2020. 180 с.
13. Тимофеев А. В. Основные функции, цели и задачи инфраструктурного обеспечения предпринимательской деятельности // Вестник Омского университета. 2012. № 1. С. 376–378.
14. Norma ахборот – ҳуқуқий портали  
<https://www.norma.uz/qonunchilikda yangi/uzini uzi band qilganlar yatt va oila viy korhonalarga - kuprog imtiezlar ishlash soddalashtiriladi>.
15. Norma ахборот – ҳуқуқий портали  
<https://www.norma.uz/bizning sharhlar/tumanlarda tadbirkorlikni rivojlantirish a gentligining bulinmalari ochiladi>
16. Халқ сўзи онлайн газетаси  
<https://xs.uz/uzkr/post/pandemiyadan-kuchli-bolib-chiqishning-birdan-bir-joli-kichik-biznes-va-tadbirkorlikka-qulaj-muhit-yaratish-shavkat-mirziyoev>
17. Адлия вазирлиги томонидан республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими <https://b-indicator.uz/rating?region=1703>
18. Robert Kiyosaki “Rich Dad & Poor Dad” World bestseller  
<https://www.pdfdrive.com/rich-dad-poor-dad-e136494023.html>